

**МЕҲНАТ БОЗОРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (МБТ)
ФАНИНИНГ ТАРИХИ**

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервисинститути профессори, и.ф.д.

Севара Абдиназаровна Бабаназарова

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD.

Озода Мамаюнусовна Пардаева

ТДИУ Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD.

Элек. почта: ozodapardaeva@yahoo.com

Аннотация: ушбу мақолада меҳнат бозорининг ривожланиши, ўзгаришлари ва уларга таъсир қилувчи омилларнинг такомиллашуви билан боғлиқ жараёнлар таҳлили, фан сифатида ривожланиш босқичлари, замонавий меҳнат бозорида иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги рақобат, ҳамда МБТга глобаллашув таъсири ёритилган.

Калит сўзлар: индустриал революция, ишчилар ҳуқуқлари, индустриализация, меҳнат қонунчилиги, интеграцион жараён, фрилансинг, модерн, рақамли технологиялар.

ИСТОРИЯ НАУКИ ТРАНСФОРМАЦИИ РЫНКА ТРУДА (ТРТ).

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Профессор Самаркандского института экономики и сервиса, д.э.н.

Севара Абдиназаровна Бабаназарова

Доцент Самаркандского института экономики и сервиса, PhD.

Озода Мамаюнусовна Пардаева

Заведующий кафедрой Самаркандского филиала ТДИУ, PhD.

Элек. почта: ozodapardaeva@yahoo.com

Аннотация: в данной статье анализируются процессы, связанные с развитием рынка труда, изменения и совершенствование влияющих на них факторов, этапы развития как науки, конкуренция между работодателями и работниками на современном рынке труда, и влияние глобализации на ТРТ.

Ключевые слова: промышленная революция, права трудящихся, индустриализация, трудовое законодательство, интеграционный процесс, фриланс, модерн, цифровые технологии.

**HISTORY OF THE SCIENCE OF LABOR MARKET
TRANSFORMATION (LMT).**

Mamayunus Karshibayech Pardaev

Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service,
Doctor of Economics

Sevara Abdinazarovna Babanazarova

Associate Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service, PhD.

Ozoda Mamayunusovna Pardaeva

Head of Department of the Samarkand branch of TDIU, PhD.

E-mail: ozodapardaeva@yahoo.com

Abstract: this article analyzes the processes associated with the development of the labor market, changes and improvements in the factors influencing them, stages of development as a science, competition between employers and employees in the modern labor market, and the impact of globalization on the labor market.

Keywords: industrial revolution, workers' rights, industrialization, labor legislation, integration process, freelancing, modern, digital technologies.

Барча фанлар сингари **Меҳнат бозори трансформацияси (МБТ)** фанининг тарихи ҳам ўзига хос йўналишга эга. Ушбу фан асосан меҳнат бозорининг ривожланиши, ўзгаришлари ва уларга таъсир қилувчи омилларнинг такомиллашуви билан боғлиқ жараёнлар таҳлилини ўз ичига олади. Бу фаннинг тарихи бир нечта асосий босқичлардан иборат. Бу бўйича олиб борилган тадқиқотларга ва унинг ривожланишларига асосланган. Ушбу фаннинг тарихи асосан қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

Биринчи йўналиш индустриал революцияга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр қадимги даврдан, яъни дунё шаклланиб бошлаган даврдан бошланади. Бу даврда меҳнат бозори расмий ёки тизимли кўринишга эга бўлмаган. Меҳнат бозори стихияли бўлиб, унда, қатъий белгиланган тартиб мавжуд эмас эди. Аста секинлик билан турли хил механизмлар орқали тартибга солиниб борилган. Қадимги даврларда қандай жамиятлигидан қатъий назар, меҳнат асосан аграр соҳа ва айрим ҳунармандчиликларга асосланган.

Иккинчи давр МБТ ривожланиши индустриал революция (18-19 аср) даврини ўз ичига олади. Ушбу даврни бошланғич трансформация даврига тўғри келади. Бунда индустриал революция шаклланди. Бу мос равишда меҳнат бозорида катта ўзгаришларга олиб келди. Машиналар ва технологияларнинг кириши ишлаш шартларини, меҳнат турларини ва иқтисодий моделларни ўзгартириш имкониятларини яратди. Бу меҳнат бозорига техника ва технологияларни биладиган кадрларнинг кириб келишларига асос бўлди. Бу

даврда иш жойлари ва ишчилар ҳуқуқлари деган тушунчалар шакллана бошлади. Индустриализация даврида иш жойларидаги шароитлар яхшиланмади, ва ходимларнинг ҳуқуқлари масалалари ҳам тўлиқ тартбга солинмаган эди. Бларни тартибга солиш ва ишчилар ҳуқуқларини тиклаш мақсадида ушбу даврда касаба уюшмаларининг ташкил топиши бошланди.

Учинчи давр 20-асрнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда **меҳнат қонунчилиги** шакллана бошлади. Жамиятда меҳнат қонунчилигининг ривожланиши, ишчиларнинг ҳуқуқлари ва ишлаш шароитларини яхшилашга, муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатлари ва шунга оид қонунлар қабул қилинди. Меҳнаткашлар орасида, айниқса меҳнат жамоаларида **ижтимоий ҳимоя** тушунчаси ҳам пайдо бўла бошлади. Натижада ижтимоий таъминот ва ишловчи ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига оид тадбирлардан ҳам фойдаланиш бошланди. Шу тариқа меҳнат бозори трансформациясига бир қанча қулайликлар туғдирилди.

Тўртинчи давр 20-асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу даврда инсонлар фаолиятига компьютерлаштириш, автоматлаштириш ва рақамли технологиялар кенг жорий қилинди. Бу меҳнат бозоридаги жараёнларни, иш жойлари ва касбларни ўзгартиришга олиб келди. Чунки инсонлар фаолиятини автоматлаштириш янги касбларни талаб қилди. Бу билан айрим касблар ўз моҳиятини йўқотиб, тубдан ўзгаришлар содир қилишни талаб қилди. Масалан, бухгалтерларнинг оддий ҳисоб-китоблари соатлар счетлар орқали амалга оширилар эди. Кейинчалик бу бир лахзада амалга ошадиган бўлди. Бошқа соҳаларга ҳам янги технологияларнинг жорий қилиниши натижасида инновацион ўзгаришларнинг содир бўлиши, жуда кўп ишларни қилишга вақтни қисқартиришга ва мос равишда касбларни такомиллаштиришга олиб келди.

Шу даврда дунё миқёсида интеграцион жараёнлар ҳам содир бўлиб, халқаро савдо ва инвестицияларнинг ўсиши рўй берди. Бу ҳам меҳнат бозорига глобал таъсир кўрсатиб анча ўзгаришларга олиб келди. Бу айниқса еҳнат миграциясини ҳам юзага келтирди. Оқибатда барча жараёнларда глобаллашув юз бериб, кадрлар бўйича ҳам халқаро рақобат шаклланди. Бу ҳам МБМга катта таъсир кўрсатмоқда.

Бешинчи йўналиш 20-Асрнинг охирлари ва 21-асрни қамраб олади. Бу даврга келиб жуда кўп ишлар моҳиятан янгиланди. Жумладан масофадан ишлашга тўғри келиб қолди. Бунда интернет ва рақамли технологиялар меҳнат бозорини ўзгартиришни давом эттирди. Ҳозир халқаро майдонда фаолият кўрсатадиган **фрилансинг** касб соҳиблари ҳам шаклланиб улгурди. Булар масофадан ишлашнинг ўсишига олиб келмоқда.

Шу даврнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шахсий ва профессионал ривожланиш билан ҳам боғлиқ бўлмоқда. Меҳнат бозоридаги ўзаро

муносабатлар ва ишчиларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга оид муҳим жараёнлари ҳар бир кишини битта касб билан чегараланиб қолмасликка ундамоқда. Ҳозир қандай касб бўлмасин, ахборот технологияларини, интернетдан фойдаланиш имкониятларини билишлари лозим. Кўп касблар глобаллашув жараёнидан келиб чиқиб, хорижий тилларни ҳам яхши ўзлаштириши лозим бўлмоқда.

Олтинчи йўналиш модерн меҳнат бозорининг (2000-йиллар ва кейин) шаклланиш жараёнини қамраб олади. Мухтасар қилиб айтганда "модерн" сўзи янги ва инноватцион ёндашувларни, жамиятнинг ривожланиш жараёнларини ва ижодий изланишларни ифодалайди. Бу жараёнда инновацион технологияларнинг кескин ўсиши рўй берди. Натижада ҳар бир соҳада янгиликлар ва технологик ривожланишлар, хусусан, ишлаб чиқаришда роботлаштириш ва сунъий интеллектнинг кенг тарқалиши ҳам рўй бермоқда.

“Модерн меҳнат бозори” термини, одатда, замонавий иқтисодий, ижтимоий ва технологик шароитлардаги меҳнат муносабатлари ва бозорини англатади. Ушбу концепция, глобаллашув, рақамли технологиялар, автоматлаштириш ва жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларнинг таъсирида шаклланмоқда. Модерн меҳнат бозори мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда таҳлил этилади:

Бу рақамли трансформация бўлиб, рақамли технологиялар, интернет ва мобиль қурилмалар орқали меҳнат бозорини ўзгартириб, масофавий ишлаш, фрилансинг каби янги касбларни яратиб, анъанавий иш жараёнини ўзгартирди. Бундай шароитда меҳнат рақобати юзага келади. Натижада замонавий меҳнат бозорида иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги рақобат юқори даражага кўтарилади. Иш берувчилар юқори малака ва юқори касб ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни танлаб олиш имконияти кенгайди.

МБТга глобаллашув ҳам таъсир қилади. Бунда ирқий, миллий, маданий ва географик майдоннинг кенгайиши меҳнат ресурсларини бир жойга жамлаш имконини яратади. Бу эса турли мамлакатлардаги меҳнат бозорлари ўртасидаги алоқаларни ва ҳамкорликни кучайтирди. Барча ходимларга бир хил тилни билишни тақозо қилади. Бу турли халқларни бир-бирига яқинлаштириш эвазига улар ўртасидаги тофовутларни ҳам тенглаштирилишига олиб келади.

МБТнинг глобал масштабда шаклланишига инновацион жараёнларни яқинлаштириш билан бирга таълимни ҳам бир-бирига мувофиқлаштиришни талаб қилади. Янгиланаётган технологиялар, қўлланилаётган қурилмалар ва соҳадаги ўзгаришлар кўпинча янги малака ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни талаб қилади. Унга мослаштириш учун албатта таълим ва малака алмашинувини бир-бирига яқинлаштириб, ўқиш жараёнида янги йўналишларни шакллантиришни талаб қилади.

Глобаллашув жараёни меҳнат муносабатларини ҳам замонавий меҳнат

бозорида шакллантиришни тақозо қилади. Бунда турли мамлакатларда бир-бирига яқин меҳнат шартномаларини, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги ташкил қилинган глобал талабга жавоб берадиган меҳнат муносабатларини шаклланишини ҳам талаб қилинади. Глобаллашув жараёнида халқаро меҳнат бозори ҳам шаклланади. Бу бевосита халқаро миграция ва халқаро меҳнат бозоридаги интеграция жараёнларини ҳам мувофиқлаштиришга олиб келади. Оқибатда ижтимоий тенденциялар, хусусан, ижтимоий тенглик, яшаш стандарти ва экологик муаммолар меҳнат бозоридаги трансформацияларга таъсир ижобий таъсир қилади.

Ҳар қандай жараённинг барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини баҳолаш учун ушбу жараёнларни таҳлил қилишни тақозо қилади. Меҳнат бозоридаги ўзгаришларни тушуниш ва таҳлил қилиш учун статистик ва эмпирик маълумотлардан фойдаланилади. Шу йўл билан меҳнат бозори трансформациясининг самарадорлигини баҳолаш ва натижада тегишли тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқиб, бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилади.

Меҳнат бозоридаги ижтимоий ва маънавий ўзгаришларни таҳлил қилиш ва шулар асосида тегишли хулосаларни чиқариб, бошқарув қарорларини қабул қилиш ходимларнинг иш муҳити ва ишчанликларининг умумий ҳолатига, меҳнат бозоридаги ўзгаришларга, ривожланишларига, трансформация жараёнларининг тараққиётни ўзгартиришларга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда ушбу омиллар замонавий меҳнат бозорини шакллантириб, унинг мазмунини янгилашда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва рақамли ўзгаришлар фуқароларнинг меҳнат қилиш усуллари ва тажрибасини ўзгартиришга ҳам олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пардаев М. Қ., Муҳаммедов М. М., Мамаюнусов Т. О. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ЯНГИ ЙЎЛДАН ҚАНДАЙ КЕТМОҚДА. – 2024.
2. Pardaev , М. К. . and Pardaeva , О. М. . (2024) “Important Factors in the Formation of Human Capital and its Role in the Development of Society”, *Miasto Przyszłości*, 51, pp. 224–230. Available at: <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/4452> (Accessed: 26 September 2024).
3. Пардаев М.К., Бабаназарова С.А. СОСТОЯНИЕ РАЗВИТИЯ ОБРАЗОВАНИЯ И ЕГО СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НА МЕЖДУНАРОДНОМ УРОВНЕ // *TJE-Tematics journal of Education ISSN*. – 2021. – С. 2249-9822.
4. Pardaev M., Babanazarova S. Science saves the world // *XXI-CENTURY newspaper*. – 2020.